
ФАРҒОНАЛИК ДЗЮДОЧИ АБДУЛАЗИЗХОН ШАРОФИДДИНОВ VII “ОСИЁ БОЛАЛАРИ” СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ЧЕМПИОНИ БЎЛДИ

Россия Федерациясининг Владивосток шаҳрида бўлиб ўтаётган VII “Осиё болалари” спорт ўйинларида фарғоналик дзюдочи Абдулазизхон Шарофиддинов олтин медални қўлга киритди!

50 кг вазн тоифасида иштирок этган Абдулазизхон, финалда Россиянинг Татаристон республикаси вакили Ислам Шигаловга қарши татамига чиқди ва олтин очко учун кечган қўшимча дақиқаларда рақибини мағлуб этди.

Ушбу олтин медаль билан вилоятимиз спортчилари томонидан “Осиё болалари” спорт ўйинларида қўлга киритилган медаллар сони 4 тага етди.

Мусобақанинг илк кунларида енгил атлетика тури бўйича спортчиларимиз томонидан 3 та бронза медаллари қўлга киритилган эди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2022-08-02 12:28:50